

**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ
МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.63.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ГАЗИЕВ ЗОИР ТАХИРОВИЧ

**ҚАРИ ВА КЕКСА БЕМОРЛАРДА ЧАНОҚ-СОН ҲАМДА ТИЗЗА
БЎҒИМЛАРИНИ ЭНДОПРОТЕЗЛАШНИНГ АНЕСТЕЗИЯ
УСУЛЛАРИГА ДИФФЕРЕНЦИАЛ ЁНДАШУВ**

14.00.37 – Анестезиология ва реаниматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the of Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Газиев Зоир Тахирович

Қари ва кекса беморларда чанок-сон ҳамда
тизза бўғимлари эндопротезлашнинг анестезия
усулларига дифференциал ёндашув..... 3

Газиев Зоир Тахирович

Дифференцированный подход к методам анестезии
при эндопротезировании суставов нижних конечностей
у лиц пожилого и старческого возраста..... 29

Gaziev Zoir Takhirovich

Differentiated approach to the methods of anesthesia
for arthroplasty of the joints of the lower extremities in
elderly and senile patients..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 59

**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ
МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.63.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ГАЗИЕВ ЗОИР ТАХИРОВИЧ

**ҚАРИ ВА КЕКСА БЕМОРЛАРДА ЧАНОҚ-СОҢ ҲАМДА ТИЗЗА
БЎҒИМЛАРИНИ ЭНДОПРОТЕЗЛАШНИНГ АНЕСТЕЗИЯ
УСУЛЛАРИГА ДИФФЕРЕНЦИАЛ ЁНДАШУВ**

14.00.37 – Анестезиология ва реаниматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фан доктори диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.DSc/Tib530 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.emerg-centre.uz) ҳамда «Ziynet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Аваков Вячеслав Ервандович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Шарипова Висолатхон Хамзаевна тиббиёт фанлари доктори Боситханова Элмира Иркиновна тиббиёт фанлари доктори, профессор Акмалов Аброр Саидахмадович тиббиёт фанлари доктори (Саудия Арабистони)
Етакчи ташкилот:	«П.И. Пирогов номидаги миллий тиббий–хирургик маркази» Федерал давлат бюджет муассасаси (Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази хузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.63.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100115 Тошкент, Чилонзор тумани, Кичик халқа йўли кўчаси 2-уй. Тел/факс: (+99878) 150-46-00, e-mail: uzmedicine@mail.ru)

Диссертация билан Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент ш., Чилонзор тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 2. Тел.: (+99878) 150-46-00; факс: (+99878) 150-46-05.

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ кунини тарқатилди.
(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.М.Хаджибаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Х.Э.Анваров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, фалсафа доктори (PhD)

Б.К.Алтиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда тизза ва чаноқ–сон бўғимларини эндопротезлаш долзарб жарроҳлик технологияларидан бири бўлиб, бажарилаётган амалиётлар сони аҳолининг тобора кексайиб бориши ва бўғим дегенератив-дистрофик касалликларининг кенг тарқалиши сабабли кун сайин ортиб бормоқда. Узоқ муддат давом этадиган «...оғриқлар беморларнинг хатти-ҳаракатлари ва шу билан боғлиқ бўлган организмда органлар тизимининг оғир функционал ўзгаришларига олиб келади...»¹. Ҳозирги вақтда ушбу беморларнинг аксарияти жарроҳлик муолажаси оёқ бўғимларини тотал эндопротезлаш амалиётини ўтказмоқда, бу эса ҳаёт сифатининг ёмонлашуви ва ногиронликнинг олдини олади. Бинобарин, жарроҳлик аралашуви ҳаёт учун муҳим тизимларда баъзан оғир нейроэндокрин ва метаболик ўзгаришлар, тизимли яллиғланиш, гомеостаз ва фибринолиз тизимини фаоллашиши, қоннинг реологик хусусиятларини бузилишини ўз ичига олган тўқима гомеостазга ҳамроҳ бўлади. Ушбу ўзгаришлар, шунингдек кучли оғриқ синдроми биргаликда жарроҳлик стресс таъсирини кучайтиради. Қон айланишининг оқимининг бузилиши қон айланишининг ёмонлашишига олиб келади ва жарроҳлик стресси хавфини оширади. Шу жihatдан анестезиологик ҳимоя гемодинамикани, психоэмоционал ҳолатни, гемостаз бузилишларини барқарорлаштириш даволаш замонавий клиник анестезиологиянинг мураккаб ва долзарб муоммоларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда қари ва кекса ёшдаги беморларда оёқ бўғимларни эндопротезлаш жараёнида оғриқсизлантириш усулига дифференциал ёндошишни такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада қари, кекса ёшдаги ва узоқ умр кўрган беморларда оёқ бўғимлари тотал артропластикасида анестезия ва операциядан кейинги оғриқни камайтириш учун турли хил вариантларнинг самарадорлиги ва хавфсизлигини, қари ва кекса ёшдаги беморларда умумий анестезиянинг хавфсизлиги ва самарадорлиги нуқтаи назаридан периоператив ва операциядан кейинги даврларни батафсил баҳолаган ҳолда қон айланиш тизими, гемостаз кўрсаткичларини ҳар томонлама такомиллаштириш ҳамда қари ва кекса ёшдаги беморларда оёқ бўғимлари тотал артропластикасида нейроксал умуртқа анестезияда хавфсизлик ва самарадорлик нуқтаи назаридан операция ва операциядан кейинги даврларда қон айланиш тизими, гемостаз кўрсаткичларини батафсил баҳолаш ҳамда қари ва кекса ёшдаги беморларда оёқ бўғимларини эндопротезлашларнинг жараёнида умуртқа-эпидурал анестезияда хавфсизлик ва самарадорлик орқа мияни блоклаш ёрдамида бажариладиган эпидурал анестезия, периоператив оғриқсизлантириш протоколлари ишлаб чиқишга даволаниш тизимини яратиш алоҳида аҳамият касб этади.

¹ De Cosmo G. Preoperative psychologic and demographic predictors of pain perception and tramadol consumption using intravenous patient-controlled analgesia. Clin. J. Pain. 2008; 24 (5): 399-405.

Мамлакатимизда тиббий хизматни жаҳон андозалари талаблари даражасига мослаштириш, жумладан оёқ бўғимларини эндопротезлашдан кейинги асоратларни олдини олиш чора-тадбирлари юклатилган. Бу борада соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, «...соғлом ҳаёт тарзини шакллантириш ва аҳолини жисмоний фаоллик даражасини кўтариш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда оёқ бўғимларни эндопротезлаш жараёнида оғриқсизлантириш усулига дифференциал ёндошишнинг энг долзарб йўналишларидан бири бўлиб, замонавий технологияларни тадбиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон «Шошилич тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларда бешта истиқболли йўналишлари Харакатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йилнинг 07 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослашган тиббий ёрдамни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва ва мазкур соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³. Қари ва кекса ёшдаги беморларда оёқ бўғимларни эндопротезлаш жараёнида оғриқсизлантириш усулига дифференциал ёндошишни такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқот ишлар йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг қатор илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: University of Jefferson; University of Washington, University of Kansas; Mayo Clinic; Cedars-Sinai Medical Center; University of Cornell (АҚШ); Adult Reconstruction and Joint Replacement Service; University of California

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ-4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.washington.edu, www.ku.edu, www.atlantaoralpathology.com, www.univr.it, www.unipv.it, www.uksh.de, www.keio.ac.jp, www.ico.gencat.cat, www.uoa.gr, www.ufsc.br, www.yonsei.ac.kr, www.sydney.edu.au, www.jazanu.edu.sa, www.rims.edu.in, www.rnioi.ru, www.cancercenter.uz, giving@jefferson.edu; www.mayaclinic.org.patient-visitor-manual; www.cornell.edu; www.uni-saarland.de/start.html; english.ahmu.edu.cn; www.hss.edu/adult-reconstructive-surgery-fellowship.asp; www.clinicbarcelona.org; www.cedars-sinai.org; www.archdaily.com. weihai-hospital-of-traditional-chinese-medicine; louisville.edu; en.sisu.edu.cn; www.universityofcalifornia.edu www.tma.uz сайтлар асосида ишлаб чиқилган.

(АҚШ) University of Louisville; Saarland University (Германия); Anhui Medical University (Хитой); Hospital Clinic de Barcelona, (Испания); Traditional Chinese Medicine Hospital (Хитой); Sichuan University (Хитой); University Vita-Salute, University of Pavia (Италия); University Hospital Schleswig-Holstein (Германия); Keio University (Япония); Catalan Institute of Oncology (Испания); National and Kapodistrian University of Athens (Греция); Federal University of Santa Catarina (Бразилия); University of Sydney (Австралия); Jazan University (Саудия Арабистони); Regional Institute of Medical Sciences (Ҳиндистон); Тошкент тиббиёт академияси (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Қари ва кекса ёшдаги беморларда оёқ бўғимларни эндопротезлаш жараёнида оғриқсизлантириш усулига дифференциал ёндошишни такомиллаштириш борасида олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида қатор натижалар олинган, жумладан: бўғимларнинг тотал эндопротезлашда умумий анестезиянинг спинал, орқа мия ментезиясидаги натижааларнинг солиштирма таҳлил исботланган (University of Jefferson, АҚШ); тананинг пастки киисмидаги ортопедик операцияларда ёнбошлама амитрофик склерозда орқа мия анестезиясининг ўрни ва аҳамияти исботланган (Mayo Clinic, АҚШ); тизза бўғимларнинг икки томонлама тотал артропластикадан кейин қайта операцияда анестезиянинг манипуляцияларнинг сон кўрсаткичлари кескин ортиши исботланган (University of Cornell, АҚШ); жарроҳлик стрессига гормонал жавоб фақатгина эпидурал анестезия амалиёти бажарилганда эмас, балки орқа мия блокадаси билан тўлдирилган тақдирда етарли даражада блокраниш тартиби ишлаб чиқилган (University of North Carolina, АҚШ); периферик нервларнинг блокраниши марказий асаб тизимидан қатор ножўя таъсирлардан камайиши, операция қилинган оёқ-қўлларни мақсадли равишда оғриқсизлантириш имкон яратилган (University of Saitama, Япония); операциядан кейинги даврда бемор томонидан бошқариладиган аналгезия (БТБА), узок муддатли эпидурал катетерлардан фойдаланишнинг турли хил вариантларни ишлаб чиқилган (Р.Р.Вреден номидаги Травматология ва ортопедия илмий-тадқиқот институти, Санкт-Петербург, Россия) ва кекса ёшдаги беморларда оёқ бўғимларни эндопротезлаш жараёнида оғриқсизлантириш усулига дифференциал ёндошишни такомиллаштирилган (Тошкент тиббиёт академияси, Ўзбекистон).

Дунёда қари ва кекса ёшдаги беморларда оёқ бўғимларни эндопротезлаш жараёнида оғриқсизлантириш усулига дифференциал ёндошишни такомиллаштириш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан, қари ва кекса ёшдаги беморларда оёқ бўғимларини эндопротезлаш жараёнида умуртқа бир томонлама анестезия пайтида хавфсизлиги ва самарадорлиги нуқтаи назаридан периоператив ва операциядан кейинги даврларни батафсил таҳлил чиқиш билан қон айланиш тизими, гемостаз кўрсаткичларини ҳар томонлама асослаш; анестезия тури ва услубига қараб олинган, ўрганилган кўрсаткичларнинг қиёсий маълумотларини асослаш; амалиётдан кейинги даврда анальго- ва анальгезиметрик тадқиқотлар самарадорлигини таҳлил қилиш, ўтказилган

анестезия тури ва усулини ҳисобга олган ҳолда, профилактика ва бемор томонидан бошқариладиган оғриқсизлантириш тактикасини ишлаб чиқиш; белгиланган анестезия турлари ва усулларидадан фойдаланганда, операция даврида, интенсив хонада бўлиш муддатини ҳисоблаш билан периператив даврда асоратларнинг табиати ва даражасини асослаш; ёшини ва коморбидлик индексини ҳисобга олган ҳолда оёқ бўғимларини эндопротезлаш жараёнида анестезия вариантларини танлашга дифференциал ёндашувни такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёдаги чуқур демографик ўзгаришлар кекса ва қари одамлар сонининг кескин кўпайишига олиб келди. Турли хил синишлар билан мурожаат қилган беморларнинг ёш таркибини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, барча вафот этган беморларнинг 20-25% қари ва кекса ёшдаги беморлардир. Статистик маълумотларга кўра, скелетнинг ёшга боғлиқ хусусиятлари туфайли, кекса одамлар кўпинча жуда жиддий жароҳатлар олишади - ахир, йиқилиш пайтида ҳатто кичик зарба ҳам уларни қаттиқ травмага олиб келиши мумкин. Кўпинча, ушбу тоифадаги беморларда, йиқилиб тушганда, суяк синиши 68-70% ҳолларда учрайди. Оёқ-қўллар асосан зарар кўради (83-85%). Ушбу факт операция жараёни, операциядан кейинги давр ва беморларнинг кейинги функционал реабилитацияси кўп жиҳатдан оғриқсизлантириш ёрдами сифатига боғлиқлиги билан изоҳланади. Маҳаллий анестетикларнинг эритмаларини орқа мия каналига киритишга жавобан қон айланишини системасини тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ муаммолар ҳали ҳам мавжуд. Гемодинамиканинг беморларда турли хил бўлган қон айланишини жавоб регуляцияси механизмлари турлича бўлиши мумкин. Маҳаллий оғриқсизлантирувчи воситани умуртқа каналга вазопрессор билан биргаликда ёки қўшмасдан юборилганда гемодинамик ўзгаришларни коррекциясини танлашга ва индивидуал ёндашишга имкон беради. Оғриқсизлантириш усулини танлаш маълум даражада маълум бир клиниканинг афзалликларига боғлиқ, шунингдек, географик хусусиятларга эга (Овечкин А.М., Политов М.Е., Панов Н.В., 2017). Шундай қилиб, аксарият Европа мамлакатларида регионар анестезиянинг турли хил модификациялари кўпроқ машҳур. Эҳтимол, бу 1999 йилда регионар оғриқсизлантириш Британия Ортопедлари Ассоциацияси томонидан ушбу ҳужжатда танланган усул сифатида тақдим этилганлиги билан боғлиқ (оёқ бўғимлари тотал эндопротезлаш амалиётининг ижобий тажрибаси) (Connolly D., 2003). Шу билан бирга, қўшма Штатларда умумий анестезия (УА) бундай аралашувни танлаш усули эди. Бироқ, сўнгги 10-15 йил ичида қарашларнинг маълум бир эволюцияси юз берди, уларнинг таҳлили жуда қизик. 2013 йилда бир қатор америкалик муаллифлар 2006-2010 йилларда бирламчи тотал сон артропластикаси ёки тотал тизза артропластикасини ўтказган 400 та Америка клиникаларидан 382236 нафар беморни оғриқсизлантириш бўйича таҳлилин тақдим этишди (Memtsoudis S., Sun X., Chiu Y., Stundner O., Liu S, Banerjee S. et al., 2013). Нейроксиал анестезия (НА) беморларнинг атиги 10,5% ишлатилган. Нейроксиал ва умумий оғриқсизлантириш билан биргаликда - яна 12,9%. Беморларнинг аксарияти «тоза» умумий оғриқсизлантириш

шароитида операция қилинган. Оёқ бўғимлари тотал эндопротезлаш амалиёти юқори шикастли жарроҳлик аралашувларни назарда тутгани, бу эса операцияда ва операциядан кейинги оғриқни камайтириш зарурлигини аниқлайди (Moosavi Tekye S.M., Alipour M., 2014; Watson M.W., Mitra D., McLintock T.C., Grant S.A., 2005). Бундан ташқари, айрим ҳолларда, бу аралашувлар сезиларли даражада қон йўқотиш билан бирга кечади (Загреков В.И., 2013). Операциядан кейинги даврда энг катта хавф веноз тромбоз ва ўпка эмболия билан боғлиқ (Davis F.V., Lorenson V.G., Gillespie V.J., Wells J.E Fout J., Newman E., 1989). Шунинг учун анестезия ушбу аралашувнинг моҳиятига мос келиши керак: ноцицептив импульсларни тўлиқ тўсиб қўйиш, периоператив қон йўқотиш ва қон таркибий қисмларига бўлган эҳтиёжни, операциядан кейинги даврда тромбоемблик асоратлар эҳтимолини ва операциядан кейинги оғриқ синдромининг оғирлигини максимал даражада камайтириш. Юқорида айтиб ўтилганлар билан боғлиқ ҳолда, адабиётларда гериатрия касалларида оёқ бўғимларини эндопротезлашларда оғриқсизлантиришнинг қийин ва тўлиқ ҳал қилинмаган муаммоларидан бири эканлиги ҳақида кўплаб кўрсатмалар мавжуд (Meuret P., Bouver Z, Villet B et al., 2018). Бутун дунёда оёқ бўғимларини тотал эндопротезлашга талаб ортиб бормоқда (Soffin E.M., Ya Deau J.T., 2016).

Мамлакатимизда турли касалликларида юзага келадиган критик ҳолатларни самарали даволашда қатор олимлар илмий тадқиқотлар олиб боришган (Аваков В.Е., 2015; Сабиров Д.М., 2019; Икрамов А.И., 2020; Акилов Ф.А., Махкамов К.Э., 2018), бироқ, қари ва кекса ёшдаги беморларда оёқ бўғимларни эндопротезлаш жараёнида оғриқсизлантириш усулига дифференциал ёндошилмаган.

Ушбу ҳаракатларга қарамай, анестезия ва аналгезия усулини танлашга йўналтирилган операциядан кейинги натижалар бўйича бир-бирига мос келмайдиган ва бир-бирига зид маълумотлар мавжуд. Ҳар бир оғриқни камайтириш натижаларини сезиларли даражада яхшилаш ва интенсив терапия бўлимида (касалхонада) қолиш муддатини минималлаштириш имкониятига эга, аммо улардан бири мунозарасиз эмас. Оғриқни йўқотиш усуллари замонавий дунё тиббиётида клиник жиҳатдан муҳим натижалар билан боғлайдиган юқори сифатли тадқиқотлар ва метанализларни танлаганимизга қарамай, бу бизда бир нечта саволларни келтириб чиқарди. Адабиётларни кўриб чиқишда биз ушбу масалалар билан боғлиқ адабиётларнинг янгиланган баҳосини беришга ҳаракат қиламиз ва муаммонинг мураккаблигини яхшироқ тушуниш учун кўпинча зиддиятли маълумотларни яратишга ҳаракат қиламиз. Ушбу муаммоларни ҳал қилишга қаратилган вазифаларни бажариш бугунги кундаги тиббиётнинг долзарб муаммоларидан биридир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №02140225 «Анестезия жараёнида

ва тиббиётдаги оғир шароитларда гомеостаз касалликларини тузатиш» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган (2014-2018йй.).

Тадқиқотнинг мақсади чаноқ-сон ва тизза бўғимларининг дегенератив-дистрофик касалликлари ва қаттиқ оғриқ синдроми бўлган кекса ва қари беморларда эндопротезлаш жараёнида оғриқсизлантириш ва операциядан кейинги оғриқни камайтириш усулини танлашни асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қари, кекса ёшдаги ва узоқ умр кўрган беморларда оёқ бўғимлари тотал артропластикасида анестезия ва операциядан кейинги оғриқни камайтириш учун турли хил вариантларнинг самарадорлиги ва хавфсизлигини баҳолаш;

қари ва кекса ёшдаги беморларда умумий анестезиянинг хавфсизлиги ва самарадорлиги нуқтаи назаридан периоператив ва операциядан кейинги даврларни батафсил баҳолаган ҳолда қон айланиш тизими, гемостаз кўрсаткичларини ҳар томонлама баҳолаш;

қари ва кекса ёшдаги беморларда оёқ бўғимлари тотал артропластикасида нейроксал умуртка анестезияда хавфсизлик ва самарадорлик нуқтаи назаридан операция ва операциядан кейинги даврларда қон айланиш тизими, гемостаз кўрсаткичларини батафсил баҳолаш;

қари ва кекса ёшдаги беморларда оёқ бўғимларини эндопротезлашларнинг жараёнида умуртка-эпидурал анестезияда хавфсизлик ва самарадорлик нуқтаи назаридан операция ва операциядан кейинги даврларни батафсил ўрганиш билан қон айланиш тизими, гемостаз кўрсаткичларини ҳар томонлама баҳолаш;

қари ва кекса ёшдаги беморларда оёқ бўғимларини эндопротезлаш жараёнида умуртка бир томонлама анестезия пайтида хавфсизлиги ва самарадорлиги нуқтаи назаридан периоператив ва операциядан кейинги даврларни батафсил ўрганиб чиқиш билан қон айланиш тизими, гемостаз кўрсаткичларини ҳар томонлама баҳолаш;

амалдаги анестезия тури ва услубига қараб олинган, ўрганилган кўрсаткичларнинг қиёсий маълумотларини таҳлил қилиш;

амалиётдан кейинги даврда анальго- ва анальгезиметрик тадқиқотлар самарадорлигини таҳлил қилиш, ўтказилган анестезия тури ва усулини ҳисобга олган ҳолда, профилактика ва бемор томонидан бошқариладиган оғриқсизлантириш тактикасини ишлаб чиқиш;

белгиланган анестезия турлари ва усулларида фойдаланганда, операция даврида, интенсив хона ва касалхонада бўлиш муддатини ҳисоблаш билан периоператив даврда асоратларнинг табиати ва даражасини баҳолаш;

ёшини ва коморбидлик индексини ҳисобга олган ҳолда оёқ бўғимларини эндопротезлаш жараёнида анестезия вариантларини танлашга дифференциал ёндашувни баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент тиббиёт академиясининг кўп таромокли шифохонасининг реанимация интенсив терапия бўлимларида 2017-2020 йилларда диспластик коксартроз, идиопатик ва травмадан кейинги коксартроз, Бехтерев касаллиги, ревматоид артрит, сон суяги синишлари ва

сохта бўғимлари каби касалликлар сабабли эндопротезлаш ўтказилган 213 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети оёқ бўғимлари тотал эндопротезлаш амалиёти операцияларидан импедансли кардиография ИСУ модули орқали марказий гемодинамик кўрсаткичларни инвазив бўлмаган доимий мониторинг қилиш, анестезия чуқурлигини Bis-индексини (Bis-модул) ҳисоблаш, қонда таркибидаги «стресс» гормони кортизолни ва вақтни ҳисоблаш билан тизимли айланишнинг автоном регуляциясини ўлчаш, сезгир ва мотор блокларининг чуқурлиги ва давомийлигини баҳолаш материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. қари ва кекса ёшдаги беморларда оёқ бўғимларни эндопротезлаш жараёнида оғриқсизлантириш усулига дифференциал ёндошишда клиник, биокимёвий, инструментал, лаборатор текширувлар ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйдагилардан иборат:

оёқ бўғимларини эндопротезлаш операцияси қилинган қари ва кекса ёшдаги беморларда юрак-қон томир тизимининг интеграл кўрсаткичлари, сенсорли ва моторли блокларнинг вақтинчалик параметрлари ножўя таъсирлар ва асоратларни турли хил нейроаксиал блокадалар ўтказилган умуртқа анестезияси, умуртқа-эпидурал анестезияси, бир томонлама умуртқа анестезияси орқали асосланган;

кучли оғриқли синдром ҳолатидаги оёқ бўғимлари эндопротезлаш амалиётига тайёрланаётган кекса ва қари беморларда бошланғич гиповолемиа ва қоннинг ивиш тизими фаоллашиши билан бирга унинг қуюқлашиши исботланган;

ўртача артериал босим, марказий веноз босим ва марказий гемодинамика уриш индекси, юрак индекси, умумий периферик томир қаршилиги, вегетатив кўрсаткич ва қон кортизол даражасида оёқ бўғимларини эндопротезлаш операцияси бажарилган гериатрик беморларда артериал гипотензия, брадикардия, нейроаксиал блокада пайтида гериатрик беморларда артериал гипотензияни ривожланишида қон айланишининг гиподинамик тартиби ва периферик қон томирларининг умумий қаршилиги ўрни исботланган;

қари беморларда нейроаксиал блокада ўтказилганда артериал гипотензия генезисида юракнинг бир марталик ва дақиқали фаолияти пасайиши исботланган;

тизимли ва марказий гемодинамика, кортизол стресс гормони ва анальгезиметрия, беморда бошқариладиган аналгезия ҳамда маҳаллий анестетикни эпидурал бўшлиққа киритишнинг анъанавий усулига нисбатан муҳим афзалликлари исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйдагилардан иборат:

ёши, қон айланиши ва вегетатив ҳолатининг дастлабки кўрсаткичларидан келиб чиққан ҳолда, анестезия хавфи юқори бўлган гериатрик беморларда оёқ бўғимларини эндопротезлаш амалиётида анестезия тури ва усулини танлаган ҳолда дифференциал ёндашув ишлаб чиқилган;

қари, кекса ва узоқ умр кўрган беморларда оёқ бўғимларини эндопротезлаш операциялари вақтида Чарлсон коморбид индекси билан юқоридаги қийматларни ҳисобга олган ҳолда умумий ва нейроаксиал анестезияни қўллаш кўрсатмалари тавсия қилинган;

оёқ бўғимларини эндопротезлаш операциясида нейроаксиал анестезия қўллашдан олдин гидроксиэтилкрахмал (ГЕК 130/06), вазопрессорлар (эфедрин, норэпинефрин) ва гормонлар (преднизолон, гидрокортизон) коллоид эритмаларини қўллаш билан прединфузиянинг зарурияти очиб берилган;

Чарльсон индекси 6 дан ошган 80 ва ундан юқори ёшдаги (қари ва узоқ умр кўрган) беморларда уларнинг ёши анестезия хавфининг мустақил омили эканлиги кўрсатилган;

юқори хавфли гериатрик беморларда операциядан кейинги оғриқни камайтириш мақсадида 3 кун давомида 0,25% лонгокаин 25 мг эритмасини эпидурал катетер ёрдамида юбориш орқали бемор томонидан бошқариладиган анальгезия усули такомиллаштирилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир–бирини тўлдирувчи клиник, биокимёвий, инструментал, лаборатор текширувлар ва статистик тадқиқот усулларида қари ва кекса ёшдаги беморларда оёқ бўғимларини эндопротезлаш жараёнида оғриқсизлантириш усулига дифференциал ёндошишни такомиллаштириш тартиби халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти топилмалар юқори даражадаги коморбидлик индексига эга бўлган қари, кекса ва узоқ умр кўрган беморларда оғриқни бартараф этиш, анестезия тури ва усулини танлашга дифференциал ёндашиш, қарилик ва гиподинамик қон айланиш режими оёқ бўғимларини эндопротезлаш пайтида анестезия хавфини, интра ва операциядан кейинги даврларда асоратларнинг миқдорини камайтириш учун қари беморларда анестезия тури ва усулини танлашда вегетатив кўрсаткични ҳисобга олиш кераклиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти анестезия тури ва усулини танлашни ёши ва коморбидлигини ҳисобга олган, қари кекса ва узоқ умр кўрган беморларга оёқ бўғимларини эндопротезлаш вақтида қон айланишининг бошланғич режими ва вегетатив ҳолатини ҳисобга олган ҳолда амалиётга татбиқ этилиши, хавф тоифасига, даволанишнинг салбий натижаларига қараб тактик ёндашувларни оптималлаштириш, ўлим даражасини камайтириш ва ушбу тоифадаги беморларнинг ҳаёт тарзи ва сифатини яхшилаш натижалари билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қари ва кекса ёшдаги беморларида оёқ бўғимларни эндопротезлаш жараёнида оғриқсизлантириш усулига дифференциал ёндошиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

қари ва кекса ёшдаги беморларида оёқ бўғимларни эндопротезлаш жараёнида оғриқсизлантириш усулига дифференциал ёндошиш асосида «Қатта ва кекса ёшдаги беморларда комбинацияланган унилатерал умуртқа анестезиялаш ва унилатерал эпидурал оғриқсизлантириш усули» бўйича Ўзбекистон Республикасининг ихтиро патенти олинган (№IAP 06544). Натижада ушбу усул қари ва кекса ёшдаги беморларда оёқ бўғимларни эндопротезлаш жараёнида оғриқсизлантириш самарали тартиби натижасида орқали беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имкон берган;

анестезия самарадорлиги ва хавфсизлиги ошириш натижасида «Оёқ бўғимлари тотал эндопротезлаш амалиёти бўлган қари ва кекса ёшдаги беморларда бир томонлама эпидурал анальгезия билан бирлаштирилган умуртқа анестезия» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 5 мартдаги 8н-з/29-сон маълумотномаси). Натижада қари ва кекса беморларда оёқ бўғимларини тотал эндопротезлаш жараёнида беморларни шифохонада ётиш кунлари ва асоратлар сонини қисқартириш имкон берган;

асоратлар сонини, интенсив бўлимда даволаниш вақтини қисқартириш ва операциядан кейинги даврда беморларни тезда фаоллаштириш натижасида «Бемор томонидан бошқариладиган анальгезия - қари ва кекса ёшдаги беморларда операциядан кейинги даврда оғриқни бартараф этиш самарали ва хавфсиз усули» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 5 мартдаги 8н-з/29-сон маълумотномаси). Олинган натижалар эпидурал бўшлиққа маҳаллий анестетик (0,25% 25мг лонгокаин эритмаси) киритилиши билан бемор томонидан бошқариладиган оғриқсизлантиришни қўллаш орқали унинг мультимодал анальгезиядан устунлигини аниқ кўрсатиш, беморларни эрта вертикал ҳолатга келтириш ва фаоллаштириш имконини берган;

Қари ва кекса беморларда чаноқ-сон ҳамда тизза бўғимларини эндопротезлашнинг анестезия усулларига дифференциал ёндашув ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқлик шифохонаси, Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий амалий тиббиёт маркази, Бухоро вилоят тиббиёт марказларнинг клиник амалиётига тадбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 27 сентябрдаги 08-09/12984-сон маълумотномаси). Олинган натижалар қари ва кекса беморларда оёқ бўғимлари тотал эндопротезлаш жараёнида оғриқсизлантириш самарадорлигини ошириш, беморларни шифохонада ётиш кунлари ва асоратлар сонини қисқартириш, кекса ёшдаги беморларда дастлабки тизимини ўзгариши фармакологик таъсирига жавобан вегетатив асаб тизимини адаптацион ўзгариши, шунингдек, нейроаксиал анестезиянинг

турли хил вариантлари симпатик таъсирларнинг натижасида гемодинамик асоратлар келиб чиқишини олдини олиш имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 илмий–амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий–амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 210 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг «**Чаноқ–сон ва тизза бўғимларини тотал эндопротезлаш амалиётида анестезиологик ҳимоя муаммосининг замонавий талқини**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган, унда преморбид фонга эга бўлган қари ва кекса ёшдаги беморларнинг чаноқ–сон ёки тизза бўғимларини тотал эндопротезлаш амалиётида оғриқсизлантириш масалаларига бағишланган, амалиётлар бажарилиш вақти, амалиётга кўрсатма ва қарши кўрсатмалар, амалиётдан кейинги оғриқсизлантиришнинг долзарблиги, ишлаб чиқиш керак бўлган дискутабел ва ҳал қилинмаган масалалар кўрсатилган.

Диссертациянинг «**Чаноқ–сон ва тизза бўғимларини тотал эндопротезлаш амалиётида анестезиологик ҳимояланиш такомиллаштиришни баҳолаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида белгиланган вазифаларга хос текширувлар тавсифи келтирилган. 2017-2020 йилларда Тошкент тиббиёт академияси клиникасида юқори анестезиологик хавфи бўлган қари ва кекса ёшдаги чаноқ-сон ва тизза бўғимлари тотал цементли эндопротезлаш амалиёти ўтказилган 213 нафар 65 ва ундан катта ёшдаги беморларни текшириш усуллари келтирилган. Беморларнинг бўйи, вазни, анестезия тури, даволаш усуллари ва дориларнинг миқдори қайд этиб борилди. Беморлар ўтказилган анестезия тури ва

усулларига кўра 4 гуруҳга бўлинган (умумий, спинал, спино-эпидурал ва унилатерал спинал анестезия) ва операциядан кейинги оғриқлантириш усули бўйича 2 гуруҳга бўлинган: назорат гуруҳида анъанавий оғриқсизлантириш, асосий гуруҳда эса бемор томонидан бошқариладиган оғриқсизлантириш (БТБА) усули қўлланилган. Ўрганилган беморлар гуруҳида операция давомийлиги, симпатомиметик препаратларга бўлган эҳтиёж, инфузион терапия таркиби ва ҳажми, қон йўқотиш ва қон қуйиш зарурати, ножўя реакциялар ва асоратларнинг пайдо бўлиши қай даражада учраб туриши баҳоланди. Нейроаксиал анестезия пайтида сенсор ва мотор блокларнинг ривожланиши ўрганилди. Сенсор блокиннинг клиник баҳоланиши сенсор дерматомаларда «pin-prick» тести (игна билан тирнашга жавобан терининг оғриқ сезгисининг йўқлиги) ёрдамида амалга оширилди (Расм 1). Мотор блокинни тавсифлашда блокаданинг максимал кўриниш даражаси, унга эришиш вақти ва оёқларда ҳаракатланиш имконияти тиклангунга қадар бўлган вақт давомийлиги ҳисобланди.

Беморларда операциядан кейинги оғриқнинг кучи 10 баллгача баҳоланди, бу ерда 0 балл - оғриқ йўқ, 10 - чидаб бўлмас оғриқ. Барча беморлар периоператив даврда тромботик асоратларнинг профилактикаси учун мунтазам равишда паст молекуляр оғирликдаги гепаринлар фраксипарин 0,3 мл (2850 анти-Ха МЕ, суткада икки марта) ёки клексан 0,4 мл (4000 анти-Ха МЕ, суткада икки марта) юборилди. Периоператив даврда анестезия самарадорлигининг мезонлари қуйидагилар эди: ЭКГ, систолик АҚБ, диастолик АҚБ, ўртача артериал қон босими, юракнинг қисқариш сони, марказий гемодинамика кўрсаткичлари босим индекси (БИ), юрак индекси (ЮИ), умумий периферик томирларни қаршилиги (УПТҚ), қуйидаги босқичларда пулсоксиметрия ўзгариши: I - қабул пайтида, II - операция бошида, III - бўғим имплантацияси даврда, IV - операция тугаши билан, V - 30 дақиқадан сўнг, VI - 60 дақиқадан сўнг ва VII - амалиёт тугаганидан 120 минут сўнг.

Шунингдек, операциядан олдин ва кейин гликемия, гемостаз, қонидаги «стресс» гормони кортизолни ўзгариш кўрсаткичлари ўрганиб чиқилди. Гуруҳларнинг бир-биридан фарқи фақат чанок-сон ва тизза бўғимларининг тотал эндопротезлаш операциясида анестезиологик ёрдам характери ва ёшдаги бир қанча фарқлар бўлган. Нейроаксиал анестезия ўтказилган беморлар орасида эса Чарлсон индекси ≥ 4 бўлган 75 ёшдан ошган беморлар кўп бўлган.



1-расм. Модификацияланган «Bromage» шкаласи бўйича мотор блокнинг чуқурлиги ва давомийлигини баҳолаш

Анестезия адекватлиги операция даврида фентанилнинг сарфи, операциядан кейинги эрта даврда опиоидлар ва стероид бўлмаган яллиғланишга қарши дориларни сарфи билан баҳоланди; операция тугагандан сўнг оғриқ қолдирувчи воситанинг биринчи талабига қадар бўлган вақт оралиғи; операциядан кейинги даврнинг оғриқ синдромини дастлабки икки кунда ВАШ (оғриқни визуал баҳолаш шкаласи) бўйича баҳоланди. Беморнинг хушини тикланиши, мустақил нафас олиши (спонтан нафас) учун зарур бўлган вақт баҳоланди. Операция давомийлиги ва операция хонасида беморларнинг периоператив қанча вақт давомилигида бўлиши анестезиологик карта ёрдамида баҳоланди. Барча гуруҳ беморларида бир хил бир марталик оғриқ қолдирувчи дори воситаси қўлланган, шу жумладан парацетамол 1г венага (жароҳатни ёпиш босқичида, операциядан 6 соат ўтгач) ва кетопрофен 100 мг мушак остига (дарҳол операциядан сўнг, операциядан 8 соат ўтгач ва операциядан кейинги даврда эрталаб соат 8 да).

Операциядан олдинги вақтда беморнинг операция хонасига кириши ва операция бошланиши ўртасидаги вақт сифатида олинди. Операциядан кейинги вақтни жароҳатни асептик ёпиш ва беморни операция хонасидан кўчириш ўртасидаги вақт билан белгиланди. Шунингдек, беморларнинг реанимация бўлимида ва касалхонада бўлиш муддати қайд этилди. Икки сегментли регрессия вақти, оғриқ қолдирувчи воситанинг биринчи талабига қадар бўлган вақт, юришнинг бошланиш вақти, сийдик чиқаришни тикланиш вақти ва касалхонадан чиқарилиш вақти ўрганилди.

Қўлланилган анестезия усуллари самарадорлиги бўйича периоператив ноҳўя таъсир ва асоратларни таҳлил қилиш асосида якуний ҳулосалар чиқарилди. I гуруҳда 50 нафар бемор умумий анестезия остида операция қилинди. Анестезияга кириш (индукция) учун ўртача 5 мг (0,08 мг / кг), 200 мг (2-3 мг / кг) ва 100 мг (1,5 мг / кг) дозаларда дормикум (мидазолам), фентанил

ва пропофол ишлатилган. Базис анестезия 2 мг / кг фентанил ва 3-4 мг / кг / соат пропофол билан биргаликда олиб борилди. II гуруҳда 40 бемор спинал анестезия остида операция қилинди. Интратекал 0,5% гипербарик бупивокаин эритмасининг ўртача дозаси 15 мг ни ташкил этди. Интраоператив седация (беморнинг талабига биноан амалга оширилди ва 40та беморнинг 32 (80%) седация қолланилди. Седация чуқурлиги ASA жадвали (Америка Анестезиологлари Жамияти, 2014) ёрдамида амалга оширилди.

Дормикумнинг тинчлантириш учун ўртача дозаси $0,1 \pm 0,02$ мг / кг, фентанил учун эса $1,01 \pm 0,02$ мг / кг бўлиб, операциядан сўнг, спинал блокиннинг таъсири ўтгач, Бромже шкаласи бўйича камида 2 баллгача пасайиши кузатилган ҳолда, операциядан кейинги анъанавий оғриқсизлантириш усули қўлланилди. III гуруҳда 63 бемор бирлаштирилган спино-эпидурал анестезия (БСЭА) остида операция қилинди.

БСЭА - бу орқа мия спинал анестезия билан эпидурал бўшлиқни катетеризация қилиш билан бирлаштирадиган усул ва операциядан кейинги даврда оғриқсизлантириш мақсадида қўлланилган. IV гуруҳда 60 беморда бир томонлама (унилатерал) спинал анестезия (УСА) ўтказилган, бунинг учун гипербарик 0,5% бупивокаин эритмасини 1 маротаба юбориш миқдори ўртача 7,5 мгни ташкил этди. Интраоператив седация беморнинг истагига кўра амалга оширилди ва ушбу гуруҳдаги 60 нафар беморнинг 38 нафарига (63,3%) қўлланилди. Дормикумнинг ўртача миқдори $0,07 \pm 0,03$ мг/кг ва фентанил $1,2 \pm 0,02$ мг/кгни ташкил этди. Операциядан кейинги даврда стандарт бўйича бемор талабига биноан наркотик модда ёрдамида оғриқни бартараф қилиниши йўлга қўйилган, бунда визуал-аналогик шкалада (ВАШ) 3 баллдан ортиқ бўлмаган.

Диссертациянинг «Умумий анестезия остида операция қилинган беморларда клиник ва лаборатория маълумотларининг натижалари» деб номланган учинчи бобида клиник диагностика тадқиқодлари натижалари келтирилган. Анестезия усулини танлаш, қоида тариқасида, анестезиологлар, терапевтлар (кардиологлар), ортопед-травматологлар иштирокида биргаликда ҳал қилинди. Белгиланган 50 нафар беморлар таркибида умуртқа поғонасининг оғир деформациясига учраган (кифоз, сколиоз, спинал жарроҳлик амалиётида бўлган беморларда), шунингдек беморларнинг хохишига биноан (хабардорлик ва розилик хати олиниб) оёқ бўғимларини эндопротезлаш амалиётлари умумий анестезия остида амалга оширилди. Беморларни қон ивишининг бузилишлари, махаллий анестетикларга аллергия, беморнинг хохиши ва бемор ёшининг 60 ёшдан юқори бўлиши ушбу гуруҳга киритиш мезонлари хисобланади. Ушбу гуруҳ (I гуруҳ) беморлари томири остига ангиокатетер ўрнатилиб, операциядан 30-40 дақиқа олдин атропин (0,4-0,5 мг) мушак остига, дексаметазон (10 мг) томчилатиб юборилди. Индукция пропофол (1,5 мг/кг), фентанил (2-3 мг/кг) ва дормикум (0,08 мг/кг) билан амалга оширилди. Релаксанти тариқасида ардуан (0,8-1,3 мг/кг) юборилди. Трахеяни интубациясидан сўнг, базис анестезия пропофол (2,5-3,5 мг/кг/соат) инфузияси ҳамда вақти – вақти билан фентанил юбориш

билан олиб борилди. Фентанилнинг умумий миқдори ўртача 2-3 мг/кгни ташкил этди. Анестетикни тўғри титрлаш учун биз анестезия чуқурлиги биспектрал индекс (БИС) ёрдамида кузатдик. БИС қийматлари 60дан ошганда (интубация, операциянинг травматик босқичларида), фентанил инфузияси 0,5-0,7 мг/кггача оширилди. Умумий анестезия жараёнидаги барча тадқиқотлар гериатрик беморлар учун тавсия этилган 40-60 оралиғидаги БИС қийматлари бўйича амалга оширилди. Биз текширган беморларнинг умумий сонидан 23,5% умумий анестезия остида операция қилинган. Ушбу гуруҳдаги беморларнинг ўртача ёши $67,4 \pm 3,9$ ташкил этди. 78% қари беморлар, 22% эса кекса беморларни ташкил этди. Аёллар сони устунлик қилди (56%). Ушбу гуруҳда кўриб чиқилган 50 нафар беморнинг 39 нафарида тотал чанок-сон эндопротезлаш, 11 нафарида эса тизза бўғимини тотал эндопротезлаш ўтказилди. Умумий анестезия пайтида ўртача қон айланиш параметрлари ўзгарган айниқса трахея интубацияси, бўғим имплантация босқичларида ва операциядан бир соат ўтгач беморлар амалиёт соҳасидаги оғриқга шикоят қила бошлаганда қон босимининг кўтарилиш тенденцияси кузатилди ($n > 0,05$) ва юрак қисқаришлар сони статистик жиҳатдан сезиларли даражада ошди (15-18%). Ушбу гуруҳдаги беморларнинг умумий анестезия пайтида тизимли ва марказий гемодинамикаси кўрсаткичларини батафсил ўрганганимизда ёш ва коморбидит индексига боғлиқ равишда, операция босқичи ва операциядан кейинги даврда, сезиларли гемодинамик ўзгаришларни қайд этдик. Чарлсоннинг коморбидлик кўрсаткичи ≥ 4 га тенг бўлган қари ва кекса ёшдаги беморларнинг орасидаги асосий фарқ гемодинамиканинг тури ҳисобланди яъни қари беморларда (60-75 ёш) гемодинамик кўрсаткичлар нормодинамия (ЮИ=2,64±0,22 л/м²) доирасига мос келган бўлса, кекса одамларда (>75 ёш) у гиподинамик характерга эга (ЮИ)=1.45±0.29 л/м²) эга эди. Бу эса тотал эндопротезлаш амалиёти босқичида турли хил гемодинамик ўзгаришларга олиб келади. Ушбу гуруҳлар орасидаги муҳим фарқ, периферик томирлар қаршилиги (УПТҚ) кўрсаткичи кекса ёшдаги беморларда мониторингнинг барча босқичларида қарияларникига қараганда анча юқори бўлиб қон айланишини марказлашган жараёнларининг устунлигини билдиради, бу эса уларнинг операцион қон йўқотишларига жуда сезгирлигидан далолат беради.

Кекса беморларда умумий периферик томирлар қаршилиги (УПТҚ)нинг бошланғич кўрсаткичлари қарияларникига қараганда 57,7% юқори ($n > 0,02$) бўлган. Қизиғи шундаки, агар қари беморларда операция охирида УПТҚ дастлабки қийматлардан 18,1%га паст бўлган ва кейинчалик операциядан кейинги даврда адекват оғриқсизлантирилганда ҳам шунга ўхшаш қийматларда қолган бўлса, кекса беморларда эса операциядан кейин 120 мин ҳам (ВАНШ бўйича интенсивлиги <3 балл) УПТҚ деярли бошланғич кўрсаткичларда қолди. Бу шуни кўрсатадики, кекса беморларда, узок вақт давомида гипотензив дориларни қўлланилишига қарамай, УПТҚ юқори даражада сақланиб қолди, бу эса қон айланишининг автоном регуляцияси симпатик томонга ўзгаришини кўрсатади. Дастлабки маълумотлар босқичида ва операциядан сўнг 120 дақиқадан кейин биз томонидан аниқланган вегетатив индекс (ВИ) нинг +16 ва +11 (мос равишда), ҳамда биз илгари сурган

